

# O'ZBEKISTON



# OVOZI

IJTIMOIY-  
SIYOSIY  
GAZETA

■ 2004-YIL ■ 16-SENTABR ■ PAYSANBA ■ 113 (27.288) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan.

Бир вақтлар Намангандаги 2-пахта тозалаш заводи Косонсойга кўчирилиб, ўрнига «Ўзнамтркотаж» корхонаси ташкил этилди. Шундан сўнг махсулот ишлаб чиқариш ҳам, сифати ҳам кескин пасайиб, корхона «ўтириб» қолди. Бозор талаби шу рақобатга бардош бера олмаганими, ўринни бушатиб бер... Шундай бўлди ҳам.


Кейин бу ерда акциядорларнинг умумий йиғилиши бўлиб, унда корхонанинг устав жамғармасига нисбатан 80,5 фоиз микдорда 42 миллион сўмлик қўшимча акциялар чиқарилди ва бу акциялар «Раҳмат Шамс» хусусий фирмаси таъсисчилари томонидан сотиб олинди. Фирма раҳбари Иброҳимжон Аминов Хитой Халқ Республикасида хизмат сафарига бўлиб, етакчи фирмалар билан музокаралар олиб борди. Устав жамғармаси 714 минг АҚШ долларига тенг «Муслим текс» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси ташкил этишга келишиб қайтди. Корхонага ХХРнинг «Буй-Жу-Ву» масъулияти чекланган жамият, «Раҳмат — Шамс» хусусий фирмаси ва «Ўзнамтркотаж» очик акциядорлик жамияти таъсисчи бўлдилар. Хитойдан 382 минг 670 АҚШ долларлик ҳажмда асбоб-ускуналар олиб келинди. Йилига 12 миллион дона ярим пропилен қоплар ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган қўшма корхона икки ой муддатдаёқ монтаждан чиқди.

Бағрида 150 дан зиёд ишчи-хизматчи ва муҳандис-техник ходимлар меҳнат қилаётган корхонамиз келажакда ҳахон андозалари даражасида трикотаж махсулотлари ва шу махсулотлар учун зарур калава ип тайёрлайди, — дейди Иброҳимжон Аминов. — Бунинг учун ҳозирдаоқ энг замонавий техника воситаларига буюртма берганмиз. Улар яқин кунлар ичида келиши кутилаяпти...

## КОРХОНА ЎНГЛАНИБ ОЛДИ



Суратларда: қўшма корхона ҳаётидан лавҳалар.



Хотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган суратлар

## Халқ демократик партияси ҳаётидан

### «ОНАЛАР — ТИНЧЛИК ТАРАФДОРИ»

Бугунги кунда мамлакатимиз аёллари оилада тинчлик ва оқсоқиллик, меҳр-оқибат муҳитини сақлаш, ҳаёт ташвишлари ва муаммоларини сабр-тоқат, оқиллик билан ҳал этиш, фарзандларимизни бақамол инсонлар этиб тарбиялаш жараёнида фаол қатнашаётганлар.

Бу соҳада Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ҳузуридаги Хотин-қизлар шўъбаси ҳам фаол иштирок этиб, қатор хайри ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, шу ишларнинг давоми сифатида ушбу шўба ташаббуси билан 2004 йил 15 сентябрь куни Янгийўл шаҳар ва туман хотин-қизлар кўмиталари, Тошкент вилояти Давлат муассасалари ва жамоат ташкилотлари ходимлари қасаба уюшмалари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллигига бағишлаб «Оналар — тинчлик тарафдори» мавзуда маданий-маърифий тадбир ўтказилди. Тадбирни Хотин-қизлар шўъба-

си раҳбари, Олий Мажлис депутати Гулнора Йўлдошева олиб борди. ЎзХДП МК биринчи котиби Аслидин Рустамов барча хотин-қизларни мамлакатимиз мустақиллигининг 13 йиллиги билан табриклиб, ЎзХДП томонидан олиб борилаётган аёллар сиёсати, жамиятда хотин-қизларнинг мақомини ошириш буйича партия Дастурида белгиланган устувор йўналишлар ва уларни рўёбга чиқариш борасидаги ишлар ҳақида гапириб берди. Шундан сўнг мамлакатимиз хотин-қизларининг Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, давлатимизда тинчлик ва оқсоқилликни асраш, уни ҳар қандай душманлар — халқаро террорчилар, диний экстремистлардан ҳимоя қилишга қодир мард аёлларни вояга етказиш масалаларидаги доғдир ва эҳтишамли роли ҳақида тўхталиб ўтилди. Турли жаҳонларда ўз меҳнатлари билан оқори натижаларга эришган бир гуруҳ фаол хотин-қизларга ЎзХДП Марказий Кенгашининг Фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалар топширилди. Тадбир якунида Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси, хонанда Дилноза Эгамбердиева ўз кўшиқлари билан йилгиланларни ҳузунли этди. Учрашувда ХДП Тошкент вилояти Кенгаши биринчи котиби С.Аъзамов катнашди.

Робия ХУДОЙБЕРДИЕВА

## САЙЛОВОЛДИ КАМПАНИЯСИДА

### ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ



Мамлакатимизда йил охирида бўлажак сайловларда мавжуд сиёсий партияларнинг кўпроқ депутатлик мандатига эга бўлишига интилиши, шакл-шубҳасиз улар ўртасида кескин курашларни келтириб чиқаради. Сайлов куни яқинлашган сари, бу жараён тобора кескин тус олиб бораверади. Тарғибот-ташвиқот масаласи ҳар бир сиёсий партия фаолияти учун жуда муҳим ўринга эга бўлиб, бу ишларнинг катта қисми эса оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилади. Демак, сайловолди кампаниясида улар зиммасига ўта масъулиятли вазифа юкланади. ОАВ сиёсий партиялар учун имибарга, реклама майдонига айланади.

Сайловолди жараёнида оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик тамойилларини ишлаб чиқиш, бу борада ўзининг аниқ йўналишига эга бўлиш ҳар бир сиёсий партия учун жуда муҳимдир. Ана шулардан келиб чиқиб, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлисдаги ХДП фракцияси томонидан «Сайловолди кампаниясида оммавий ахборот воситаларининг ўрни» мавзуда «давра сўхбати» ташкил қилинди. Унда сайловолди жараёнида ОАВнинг одиллик ва ҳолислик асосида фаолият юритиши, реклама ва ташвиқот кампаниясида республика конунларига риоя қилинган ҳолда барча сиёсий партияларга берилган бирдек имкониятлардан самарали фойдаланиши, ОАВдаги сиёсий чиқишлар ва рекламаларнинг амалдаги қўнғунчилик ҳужжатлари, халқаро тартиб-қоидалар доирасида бўлиши юзасидан фикрлашиб олинди, партия фаоллари, журналистларнинг бу борадаги таъкид ва мулоҳазалари тингланди.

Тадбирда Ўзбекистон ХДП МК масъул ходимлари, Тошкент шаҳри ва вилояти партия фаоллари, ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

«Давра сўхбати»ни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Аслидин Рустамов кириш сўзи билан очиб, сайловолди кампаниясида оммавий ахборот воситаларининг ўрни қандай бўлиши кераклиги, бу йўналишда қўрилиши лозим бўлган чора-тадбирлар ҳақида тўхталиб ўтди. «Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталари бош муҳаррири Сафар Остонаов сайловолди жараёнидаги эриштириш буйича таҳрират режалари билан йилгиланларни таништирди ва тарғибот-ташвиқот ишларида бошқа оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланиш буйича фикр-мулоҳазаларини билдирди. ЎзХДП МК бош маслаҳатчиси Собир Курбоннинг чиқиши ОАВ ва журналистларнинг сайловолди кампаниясига тайёргарлиги, бу борадаги баъзи бир муаммолар, партия маҳаллий кенгашлари раҳбарларининг ОАВ билан алоқа ўрнатилиш борасидаги тавсияларга бағишланди. «Давра сўхбати» баҳс-мунозараларга бой ўтди. Иштирокчилар томонидан ҳам кўп таъкид ва мулоҳазалар билдирилди. Фойдали савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Беход ШУКУРОВ  
Еркабой БОТИРОВ олган сурат

### Таҳлил

## ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАР — ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИДА МУҲИМ ОМИЛ

ёхуд инвестициянинг мамлакат халқ ҳўжалиги тараққиётида тутган ўрни

Президентимиз Ислоом Каримов Республикадаги мустақиллигининг ўн уч йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида: «Бугун иқтисодий таъминоти барқарор суратлар билан ривожланиб катта, халқимиз турмуш даражаси ортиб, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора юксалиб бораётган диёримизда яшаётган ҳар қайси инсонга мамнуният етказиши шубҳасиз» деб таъкидларкан, бу борада юксак марраларга етиб боришимизнинг муҳим омилларини ҳам аниқ ва равшан кўрсатиб берганди. Чунонки, биринчидан, жамиятимизга, сув ва ҳаводек зарур бўлган тинчлик-оқсоқиллик, ҳам-

ҳалқимизнинг таъкидлади. Иккинчидан, ҳар томонлама чуқур ўйланган, биринчи галда халқимизнинг манфаатларини қўлаб, изчиллик ва қатъият билан олиб борилаётган сиёсий ҳаётда иқтисодий ислохотларни санаб ўтди. Учинчидан, узоқ ва яқин кўнрақларимиз билан ҳамкорлик, ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, ҳақон ҳамкорлиги билан ҳамкорлик бўлиб яшаш ва унинг ҳаётида ўзимизга хос, ўзимизга мос ўринни эгаллаб олиш мақсадларини гапирди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил биринчи ярим йиллигида мамлакатимизни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш ақуларига бағишланган мажлисидаги нутқида

ҳам давлатимиз раҳбари эришишган асосий ютуқлар ҳақида фикр юритиб, иқтисодийнинг эришланиши ва ислох қилишнинг изчил амалга оширилиши натижасида олти ой ичида мамлакатимизда олти ой ичида махсулот ишлаб чиқариш 6,2 фоизга ўсганлигини, бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,6 баробар, яъни, 3,8 фоиз кўп эканлигини таъкидлади. Бундай юкори кўрсаткичга аввало саноат махсулотларини ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалиги ялли махсулоти, чакана савдо айланмаси, пуллик хизматлар кўпайиши эвазига эришилди, албатта.

3-бет

## ПРЕЗИДЕНТ ҚОЗОФИСТОНГА ЖўНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов 15 сентябрь куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг саммитида иштирок этиш учун Қозоғистон Республикаси пойтахти Остона шаҳрига жўнаб кетди.

Мамлакатимиз раҳбари Тошкент аэропортида оммавий ахборот воситалари вакиллари билан мулоқот қилди. Аммо, МДХ фаолияти бундан ҳам самаралироқ бўлиши мумкин эди. Сиёсий ва ҳарбий ма-

эканлигини таъкидлади. У аниқса Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар ўртасидаги коммуникация, жумладан, ҳаво ва темир йўл транспорти алоқаларини сақлаб қолиш ва ривожлантиришда муҳим ўрин тутиб келмоқда. Мана шунинг ўзи ҳам МДХнинг керакли ва аҳамиятли эканлиги кўрсатиб турибди.

Аммо, МДХ фаолияти бундан ҳам самаралироқ бўлиши мумкин эди. Сиёсий ва ҳарбий ма-

салалар билан бирга иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга кўпроқ эътибор қаратиладигани, тузилмага аъзо мамлакатлар учун янада фойдалироқ бўларди.

Остона саммитида мана шу масалалар, яъни иқтисодий ҳамкорлик ва ҳавфсизликка доир муаммолар кенгрок ва атрафлича муҳокама этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. (ЎЗА)

## ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

БУХОРО (ЎЗА муҳбири Илҳом Сафар). Расмий ташриф билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Чехия Республикаси Президенти Вацлав Клаус 15 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Бухорога келди.

Қадимий Бухоро зиёрати Арх қалъасидан бошланди. Меъморий обида Чехия раҳбарига катта таассурот қолдириди.

Олий мартабали меҳмон Исмоил Сомониий, Тоқи Заргарон, Тоқи Саррафон, Тоқи теллақфурушон,

Лаби ҳовуз каби тарихий обидаларни зиёрат қилди.

В.Клаус Ўзбекистонда, жумладан, Самарқанд ва Бухорода тарихий ёдгорликларни, миллий-маданий меросни асраб-авайлаш, келажак авлодларга етказишга алоҳида эътибор қаратиладиганига юксак баҳо берди. Ўзбекистон билан Чехия ўртасида сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш зарурлигини таъкидлади.

Шу кўни Чехия Президенти ватанига жўнаб кетди.

## Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

### ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISIGA, HALQ DEPUTATLARI VILOYAT, TUMAN VA SHAHAR KENGASHLARIGA SAYLOV B'YINCHA SAYLOV KAMPANIYASI BOSHLANISHINI E'ZLON QILISH T'GFRISIDA

Иккинчи қаҳриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг конституциявий ваколат мuddатлари 2004 йилнинг декабрь ойида тугайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 117-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ҳамда вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов декабрь ойи учинчи ўн кўнлигининг биринчи яқшанбасида, яъни 2004 йилнинг 26 декабрида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловолди кампаниясида уларга ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддаси, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси қарор қилади:

рига қадар тақдим қиладилар; сайловчилар рўйхати билан танишиш жойи ва вақти тўғрисида сайловчиларнинг ўз вақтида хабардор этилишини таъминлайдилар.

2004 йилнинг 16 декабрига қадар сайловчиларни овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида хабардор этидилар.

8. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ; сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар рўйхатига олинган кўндан бошланиши ва 2004 йилнинг 25 декабрида тугаланиши;

овоз бериш 2004 йилнинг 26 декабрь куни соат 6.00 дан соат 20.00 гача ўтказилиши қайд этилсин.

9. Белгилансинки, участка сайлов комиссиясини 2004 йилнинг 26 декабрь куни овоз бериш тугагач овоз бериш яқуларини аниқлашга киришадиган участка сайлов комиссиясининг мажлисида кўриб чиқилиши натижалари бўйича баённома тузади ва уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов бўйича округ сайлов комиссиясига белгиланган тартибда тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов бўйича округ сайлов комиссиялари томонидан тақдим этилган баённомалар асосида сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлайди ва баённомани Марказий сайлов комиссиясига 2004 йилнинг 31 декабрига қадар белгиланган тартибда тақдим этади.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов яқуларни тўғрисидаги хабар ҳамда сайланган депутатларнинг рўйхати матбуотда 2005 йилнинг 5 январига қадар эълон қилинсин.

11. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 52-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларини сайлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари анги сайланган депутатларнинг тегишли қўшма мажлислари 2005 йилнинг 26 январидан кечиктирилмасдан ўтказилиши маълумот учун қабул қилинсин.

12. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси  
Тошкент шаҳри,  
2004 йил 15 сентябрь  
Б.МУСТАФОВ

**ХАЛҚ БАНКИ** — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ  
XALQ BANK  
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI  
MULKDORGA HANKORI  
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74  
WWW.tshbmn.uz E-mail: info@tshbmn.uz va Birja@mail.tps.uz  
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'li  
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI  
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!  
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22  
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz  
Хизматлар лицензияланган





Миллат ва тарих

Ўзбекистон Республикасининг «Архивлар тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинганига беш йил бўлди. Бу давр ичида мамлакатимизда архив ҳужжатларини ҳисоблаш, экспертизалар олиб бориш, рўйхатдан ўтказиш, бутлаш, тахламли қилиш ҳамда тартиб сойтишни ягона тадбири яратилиб, у эндиликда амалиётга кенг жорий этиляпти. Негаки, архив ҳужжатлари ҳақимизнинг бой маданий-маънавий мерослари сирасига кирди. Ҳақиқатан ҳам архив ҳужжатлари — тарих ва «тирик» ўтмиш. Зеро, тарихнинг ҳар бир лаҳза, кун, ой ва йилларида рўй берган воқеалар, янгликлар архивларда тилга кирди — «тирилади».

— на ердан, на кудан, на бордан топиб бўлмайди. Улар фақат архивлардагина мавжуд. Мана, масалан, хабарингиз бор, истибод йилларида чет элларга олиб кетилган ва шу ёқларда қолиб қетган Ўзбекистонга оид Миллий архив фонди ҳужжатларига мустақиллик йилларига келиб қатта аҳамият берилляпти. Ҳар хил сабаблар билан тарихимизга оид архив ҳужжатлари ҳозир Туркия, Миср, Германия, Италия, Франция, Англия, Хиндистон, Хитой ва Россияда борлиги сир эмас. Президентимиз ташаббуси билан уларни яна Ўзбекистонимизга қайтариб олиб келиш вазифаси қўйилган. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Ўзбекистондан четта олиб кетилган ва халқ бойлиги бўлган архив ҳужжатларини қайтариб олиб келиш бўйича мах-

сус комиссия тузилган. Ўтган йиллар мобайнида мазкур комиссия фаол ишлаб келяпти. Шу пайтгача маълум бўлмаган қанча-қанча ҳужжатлар аниқлашиб, уларнинг муайян қисми келтирилди ҳам.



QASHQADARYO VILOYATI ARXIV ISH BOSHQARMASI QASHQADARYO VILOYAT DAVLAT ARXIVI

кетдим. Анжуманда келгусида электрон архивни йўлга қўйиш масаласи кўтарилди. Агар бунга халқаро микёсда эришилса, архив тизимида жуда катта ютуқ бўлади. Масалан, вилоятимиз давлат архиви ва унинг филиалларида ҳозир 3000 га яқин ташкилотларнинг тартибга келтирилган ҳужжатлари сақланмоқда. Улар электрон архивга ўтказилса архившуносларнинг ҳам, архивга муҳожаат қилганларнинг ҳам иши нечоғли осонлашиши, бир тасаввур қилиб кўрин...

Малайзияда ҳам архив иши юқори даражада. Дунёдаги кўп қисми давлат архившунослари таърихчиларнинг ўрганиши ва амалиётга жорий этиши бўйича келишувларга эришган. Малайзия мамлакатда Миллий архиви ташаббус билан, ЮНЕСКО халқаро ташкилотининг раҳнамлигида ва ражасига кўра, 1995-2000 йиллар мобайнида архив иши бўйича икки ойлик малажа ошириб-ўқувчи ҳам ташкил этилди. Уларда бизнинг вилоятимиздан ҳам вакиллар қатнашиб, а ма-

17 сентябрь — Абдулла Қаҳҳор таваллуд топган кун

БИР АСАР ТАРИХИ



Буюк инсонларнинг ҳар бир қадами, қилган ишлари ибратга лойиқ. Шундай инсонлардан бири Абдулла Қаҳҳор билан кўп йиллар яқин муносабатда бўлиб, суҳбатларидан баҳраманд бўлганман, сабоқ олганман. Мулоқотларимиз айрим воқеа-ходисалар, адабиёт, санъат, бадиий-танқидий асарлар ҳақида бўлар эди. Мен ҳам бу борадаги ўз мулоҳазаларим, фикрларим билан ўртоқлашар эдим. Кўпинча адабий жараён ҳусусидаги фикрларимиз бир жойдан чиққанлиги сабабли ижодий суҳбатларимиз давом этиб турди.

1962 йилнинг бошлари эди. Бир кун устоз кайфиятлари чоғ, илҳомга тўлган ҳолда ёзаётган янги асарининг қисқача мазмунини завқ билан ҳикоя қилиб берди. «Мен порахўрнинг шундай образини яратганимки, сахнада кўрган томошабин унинг башарасига тўғайиб қолган бўлади», — деди ёзувчи. Сўнг бироз суккутдан кейин, ўйланчак туриб: «Ҳаммага ҳам ёқмаслиги мумкин», — деди.

Абдулла Қаҳҳорнинг ташвишлишида жон бор. Чунки унинг айрим асари қаршиликларга учраган, бундан кўп азоб чеккан, эзилган. Ўзувчи ҳаёт сўқмоқларидан эҳтиёткорлик билан ўтаолган, ақли, чиниққан, донишманд эди. Шу тўғрисида сатирик асарни қабул қилишлари қийин кечиниши чўқур фахиларди.

Орадан бир қанча вақт ўтиб, Абдулла Қаҳҳор менга «Ҳозир комедияни раҳбарларга топшириб қилишим», — деб қолди. Улар қандай қабул қилдилар деб сўраганимда: «Асарнинг ному ёқмайди, деб ном қўйди. Орадан 2-3 кун ўтгандан кейин ўша пайтдаги партиянинг биринчи раҳбари мени ҳузурига чақирди ва қўлёзмами берди: «Абдулла Қаҳҳорнинг шу асарини ўқиб чиқиб, фикрингизни айтинг», деди. Мен топшириқчи бажо келтирдим. Шундан сўнг «Бўпти, Абдулла Қаҳҳорни чақириб, муносабатингизни билдиринг» деган топшириқ олдим.

Комедияга берилган баҳо

Ҳамза (ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театри)га ҳам бориб етди. Театр ижодий жамоаси асарни сахналаштиришга тушиб кетди. Кўп вақт ўтмай спектакль томошабинга ҳавола қилинди. Халқ уни кўриш учун театрга оқиб кела бошлади. Аммо дабдурустдан урта машҳур маданият арбобининг ўша пайтдаги марказий газетда «Тобутдан товуш» асарига салбий таърифи билан чиқса бўладими? Ана хангома-ю, мана хангома. Шунда томошабинлар фикри билан танқид ўртасида жиддий тафовут пайдо бўлиб қолди. Аммо бу томошабинга салбий таъсир этмади. Аксинча, театрга келувчилар янада ортаверди. Ижодий жамоа хайрон.

Уша кезларда театрга пайдо бўлган чигалини ечиш учун катта йиғилиш чақирилди. Шу йиғинда маъруза қилиш менга топширилган эди. Мен таърихни қоралоб ўтирмадман «Тобутдан товуш» ҳақидаги ижодий фикрларимни изхор этиб, унга юқори баҳо бердим. Айрим нуқсонларини ҳам санаб, охирида «асар сахнада қўйилмиши тўла ҳақли» деган ҳулосамни айтдим. Лекин менинг асарга берган баҳоим айримларга маъқул келмади чоғи, театр директориға сўз берилди. Унинг гапларини эшитиб ёқман ушладим. У кўп гапирмади, таърихни ҳам, менга ҳам муносабатини билдирмади. «Биз «Тобутдан товуш»ни қўйган эдик, халқ театрга кирмай қўйди, шунинг учун репертуардан олиб қўйдик», деса бўладими? У мансабинини сақлаб қолдиш учун ҳақиқатни яма-лаб ютиб, тилғамалик йўлга қўйиб олганди. Ҳақиқат қилиш қийин, ҳар ҳолда ўша йилгилишда «Тобутдан товуш» сахнадан олиб ташланган эди кўйилверсин, деган қатъий фикр айтилмади, бироқ барибир масала мавҳум бўлиб қолди.

Марказқўмдаги шу муҳокамдан кейин ҳам баҳслар давом этди, хатто жиддий тортишувлар эди берди. Ўзим гувоҳ бўлган бир муҳокама Ҳамза театрида бўлиб ўтган. Гап уни янада такомиллаштириш, ҳаётга мос тушмаган жойларини тўғрилаш устида борди. Баҳслардан бири комедиянинг номи устида бўлди. Бир киши «Тобутдан

ҳам товуш чиқадими? Уни эшитганлар борми?» деб, асарнинг номи ҳунук эканлигига ургу берди. Абдулла Қаҳҳор бунга жавобан: «Жамиятимиз учун порахўрликнинг ўзи хунук» дея жавоб қилиб, «асарларимнинг номини ҳеч қачон ўзгартирмаганман» дея оёғини тираб олди. Мен ваъзятни юмшатиб, асарни сақлаб қолдиш ниятида «Абдулла ака, комедиянингизнинг номи бир марта ўзгарган эди-ку, бу биринчиси эмас, дедим. Адиб менга ярқ этиб қараб, биринчи номи нима эди, деб сўради. Мен «Иблис» эди деб жавоб қайтардим, уни яна бир қарра ўзгартирсангиз ва «Сўнгги нусхалар» деб атасангиз қалай бўларкин, дедим. Абдулла ака бироз суккут сақлаб, рози бўлгандек бўлдилар.

Адибнинг, айниқса, порахўрларга газабни қучли эди. «Сўнгги нусхалар» («Тобутдан товуш»)да Сўхуров образи шундай пухта яратилган эдики, беихтиёр ундан нафратланиб кетасиз. Аслида Сўхуровнинг порага «ажадоддай оғиз очиб», ҳеч қандай илтимос порасиз ўтмаслиги, пора бермаган бегуноҳларнинг «қора»га чиқариши, ўғри қилиниши, ўз яқинларининг илтимосини ҳам порасиз бажармаслиги бу образнинг табиий чиқишига олиб келган. «Ҳеч бир жиноятни порахўрликка тенг қўриб бўлмайди. Ўғри кечаси йўлингизни тўсиб, чўнтагингизга қўл солади, пулингизни олади, олади-ю, қочади-кетди. Порахўр кўпга-кўпга дуз кун, яна идорада ўтириб чўнтагингизга қўл солади, пулингизни олади-ю, жиноятга сизни шерик қилади».

Порахўрнинг асл қиёфасини бундан ортиқ усталик билан тасвирлаш мумкин. «Тобутдан товуш» каби асарлар ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ деб ўйлайман.

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ, профессор

АРХИВ

ЎТМИШНИНГ БИРЛАМЧИ МАНБАИ

Қашқадарё вилоят ҳокимлиги архив бўлими мудири Абдурашид БЎТАЕВ тизимнинг кечаги кун, бугуни ва истикболи ҳақида мулоҳаза юритади

Мустақилликдан кейин архив соҳасига муносабат кескин ўзгарди. Беш йил бурун қабул қилинган «Архивлар тўғрисида»ги қонун ҳам ана шундай ўзгариш ва янгиликларнинг бир кўриниши. Бундан ташқари, Олий Мажлис ҳузурида Махсус комиссия ҳам тузилган. Вазирилар Маҳкамаси қарори билан қатор меъёрий ҳужжатлар тасдиқланган. Вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари томонидан архив соҳасини янада яхшилашга эътибор ҳар қанچадан қучайтирилди. Қонун ижроси Парламент томонидан мунтазам назорат қилиб турилади, ўрганилади, мавжуд камчиликлар кўрсатиб ўтилади. Қонун моддаларининг бажарилиши бўйича ҳисоботлар Олий Мажлис қўмитасида айтилади.

Айни пайтда архивчиларимиз олдига муаммолар ҳам бор. Миллий архив фонди ҳужжатлари сақланганидан бинолар, хоналар ва майдонлар тақчиллиги сезилаяпти. Уларнинг шаҳар, туманлардаги бўлиmlарининг қўнчилиги эски, ноқулай биналарга жойлаштирилган. Жумладан, бизнинг Қарши туманимизда архив учун жой ажратилгану, аммо ҳар қанча таъмирланган бўлмасин ҳозирги талабларга жавоб бермайди. Қолаверса, архив биналарини замонавий техника билан жиҳозлашишда ҳам ана «оқса»лар мавжуд. Шу босим ишларимиз ҳануз деярли қўл билан бажариляпти. Биласиз, ҳужжатларни тиклаш, таъмирлаш, узоқ вақт сақлаш учун зарур асбоб-ускуна, анжом ва буюмлар асосан чет элларда ишлаб чиқарилади, уларни сотиб олиш ва олиб келишда эса муайян қийинчиликлар сақланиб қоляпти.

Асосий вазифаларимиздан яна бири — архив соҳасининг мутахассис кадрларини тайёрлаш ва кўпайтириш. Ҳозир давлат ар-

шига умид уйғотади, албатта. Лекин бу ҳолни назаримда янада жадаллаштириш керакка ўхшайди.

Чунки, архив соҳасидаги ишларимизни жаҳон андозалари даражасида йўлга қўйиш пайти келди. Масалан, АКШ, Хитой ва Малайзия сингари мамлакатларда архив иши юксак даражада ташкил этилган. Уларда барча ҳужжатлардаги ёзувлар компьютерлар хотирасига жойлаштирилган. Жуда қисқа муддат ичида тегишли маълумотномаларни олиш мумкин. Асл нусхалари билан эса худди муайян экспонатидек муомала қилинади. АКШ Миллий архивининг бошлиғи Сенат аъзоси бўлиши шарт. Шунинг ўзиде Америкада архивларга бўлган муносабатни кўрсатиб турибди.

Президентимиз «Тарихий хотирасиз — келажак йўқ» деганларида минг бор ҳақлар. Ўтмиш олдига келажак учун замин, пойдевор вазифасини ўтайди. Ўтмишнинг унутмаган халқини эса келажак буюр бўлиши, шаклсиз.

Янги газаллар

ГУЛЛАР ИҚБОЛ, БАХТИМИЗ
Эй дўстлар, фаровон, тинч яшамокда халқимиз, қандай ишни истасак, унга тўлиқ ҳақлимиз. Кўнгулар ҳароратим, чехрамиз нурга тўла, хурсандчиликлар шуки, ҳеч синамайди шаҳимиз. Барча миллат фарзанди бир оила кабирди, Елкадош, ҳамкор бўлиб, ишлаш бизнинг аҳдимиз. Бошини ривожлантирсак, Ватан ривожланади, Тўра, эзгу иш қилсак, гуллар иқбол, бахтимиз.

МЕҲР ҲАҚИДА

Дўстлар, меҳрли бўлиш ярашади инсонга, Кимки меҳрли бўлса, муносибдир замона. Шундай одамлар борки, хўрайиб торар ҳар кун, Унинг ёмон хислати сингиб кетгандир қонга. Шундай одамлар борки, кайфиятини кутарар, Унинг ширин сўзлари қувват беради жонга. Меҳрли, кўнгли қора бир кун қўлайди чоғга, Тўра, меҳр кишини етказар шухрат-шонга.

ЭЙ ШЕЪРИМ, БОҚИЙ УМРИМ

Эй шеърим, боқий умрим, ярагансан меҳримдан, Сен учун мавзу топдим дала, қишлоқ, шаҳримдан. Сен билан рўҳим баланд, ганимимга қуролсан, Қўралоғчи кимсалар яқсон бўди қаҳримдан. Халқларвар қишларнинг шухратини таратдинг, Сотқиллар, ярамаслар ҳалок бўди захримдан. Тўранинг қўмад кериб юриши сен тўғрайди, Омадли бўлолмаман ўтсам агар баҳримдан.

КОНИМЕҲДА ҚЎШАЛОҚ ТҶЙ

Тумандаги Абай номли қоракўлчилик ҳўжалиги бу йил 40 ёшга тўлди
1964 йил бошларида Вобкент, Шофиркон туманлари қўнчилик ҳўжаликлари отарлари ўрнида ташкил топган мазкур ҳўжалик 1994 йилга қадар «Шофиркон» деб номланди. Ун йилдирки, у қозоқ адаби Абай Қўнчабоев номи билан юритилляпти. Яқинда ҳўжалик маркази Боймуродда ҳўжаликнинг қирчилма 40 ёши кенг нишонланди. Икки кун давом этган юбилей тантаналари-

ЯНГИ ШИФО МАСКАНИ

Бўхоро вилоятининг кенжа тумани — Қоровулбозор йил сайфи кўркамлашга бормоқда. Шу билан бирга бу ерда аҳолига хизмат кўрсатувчи масканлар сони ҳам ортмоқда. Яқинда туман марказида нефтьчиларнинг янги шифо маскани хизмат кўрсата бошлади.

ТЕАТР — ТАЪТИЛДАН СЎНГ...

Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусикали драма театри ўзининг бу йилги мавсумини Ўзбекистон халқ шоири Хўшиди Даврон қаламига мансуб, бастакор Баҳрулло Луғтуллаев мусикаси асосида яратилган «Бобур соғинчи» номли янги драма билан бошлади. Буюк аждодларимизнинг ўлмас хотирасига садоқат, ёшларимиз қалбида мўзига ҳурмат тўғйуларини уйғотиш мақсадида шундай қарорга келинди.

НЬЮ-ЙОРК «ОЛИМПИАДА-2012»ГА ДАЪВОГАР, АММО...


2012 йилги Олимпия уйинларини ўтказишга номзод бўлиб турган Нью-Йорк шаҳрида қўнлмаган ҳолат юзага келган. Гап шундаки, Нью-Йорк шаҳри Олимпия уйинларини ўтказиб бериш бўйича ўз номзодини қайтариб олиши ҳам мумкин экан. Бунга сабаб, қўнлиши кўзда тутилган бош уйингоҳни қарерда ва қандай бўлиши ҳақида бир фикрга келолмасликдир. Шаҳар раҳбарларининг сўзига қараганда, бундай уйингоҳ Манхэттен оролининг гарбий қисмида жойлашиши ва қўнлиши ишларига 1,4 миллиард доллар сарфланиши кўзда тутилган. Агар йирик қўнлиши ишлари бўйича шартнома имзоланса, Нью-Йоркда Олимпия уйинлари ўтказилиши мумкин бўлади. Ҳозирча «Олимпияда-2012» уйинларини ўтказиб беришга Москва, Париж, Мадрид ва Лондон шаҳарлари ҳам даъвогар бўлиб туришибди.

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
Navbahor Anvar SAMADOV
Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV
«Sharq» nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonasi manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma toboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tabiiyiyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 1061
7837 nusxada bosildi
Г — Тижорат материали
O'zA yakuni — 21.00
Topshirish vaqti — 22.30
2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA

«FOYTAHT AUKSION»

даваат унитар корхонаси
газетанинг 2004 йил 13 июлдаги 83-сонда кўрсатилган 17.21.24.28 сентябрь қуварларидаги аукцион савдоларига қўнйилган Ташкент шаҳри, Сирғали тумани, Нилуфар кўчаси, 5-уйда жойлашган «SIRG'ALI TVK» ОАЖнинг мол-мулкларини савдолардан олинганлигини маълум қилади.



УТЕРЕННОЕ РАЗРЕШЕНИЕ НА ПРИВЛЕЧЕНИЕ ИНОСТРАННОЙ РАБОЧЕЙ СИЛЫ №2582 выданное Ч.Ф. «Лонг Тенг» от 25.03.2004 г.

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарини жамоаси тахририятнинг собиқ ходими Музаффар ПИРМАТОВнинг бевақт вафот этгани муносабати билан унинг оила аъзоларига чўқур ҳамдардлик билдиради.